

**THE ART OF QUOTATION AND ARABISMS IN AZIMIY'S POETRY: A SUFI-IRFAN APPROACH****Sarvinoz Y. Azizxonova***PhD in Philology**Tashkent State University of Oriental Studies*2102sarvinoz@gmail.com*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: quote, Qur'an, Hadith, divan, mysticism, sharia, enlightenment, tariqat, faith, piety, religion.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: The article analyzes the art of quotation drawn from Qur'anic verses and Hadiths in the poetry of the Sufi poet Azimiy, who was active in Kokand during the 18th–19th centuries. Through this analysis, the poet's artistic mastery and his mystical-religious worldview are revealed.

The study scientifically examines the use of the art of quotation in Azimkhodja Eshon's divan "Murod ul-Oshiqin" and explores its Sufi-irfan content.

In his poetry, the meanings of Qur'anic verses and Hadiths are skillfully integrated into the poetic text, which ensures a high level of spiritual depth in genres such as na't, ghazal, and musaddas.

The art of quotation in the poet's work appears not only as an artistic embellishment, but also as an important poetic device that conveys spiritual and mystical meanings to the reader.

**АЗИМИЙ ШЕЪРЛАРИДА ИҚТИБОС САНЪАТИ ВА АРАБИЗМЛАР:
ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ЁНДАШУВ****Сарвиноз Ё. Азизхонова***Филология фанлари доктори (PhD)**Тошкент давлат шарқишунослик университети*2102sarvinoz@gmail.com*Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: иктибос, Қуръон, хадис, девон, тасаввуф, шариат, маърифат, тариқат, иймон, тақво, диёнат.

Аннотация: Мақола XVIII–XIX асрда Қўқонда ижод қилган сўфий шоир Азимийнинг шеърларида Қуръон оятлари ва ҳадислардан олинган иктибос санъатини таҳлил қилади. Шу орқали шоирнинг бадиий маҳорат ва ирфоний-диний қарашлари очиб берилган.

Тадқиқот Азимхожа эшоннинг “Мурод-ул-ошиқин” девонида иктибос санъатини ва унинг тасаввуфий-ирфоний мазмунини илмий жиҳатдан таҳлил қилади.

Унинг шеърларида Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмуни шеърий матнга маҳорати билан сингдирилган, бу эса наът, ғазал ва мусаддас жанрларида маънавий юксакликни таъминлаган.

Иктибос санъати шоир ижодида нафақат бадиий безак, балки маънавий ва ирфоний мазмунни ўқувчига етказувчи муҳим поэтик восита сифатида намоён бўлади.

ИСКУССТВО ЦИТИРОВАНИЯ И АРАБИЗМЫ В СТИХАХ АЗИМИЯ: СУФИЙСКО-ИРФАНСКИЙ ПОДХОД

Сарвиноз Ё. Азизхонова

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкентский государственный университет востоковедения

2102sarvinoz@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: цитирование, Коран, хадис, диван, тасаввуф, шариат, маърифат, тариқат, иман, таква, дианат.

Аннотация: В статье анализируется искусство цитирования аятов Корана и хадисов в поэзии суфийского поэта Азимия, творившего в Коканде в XVIII–XIX веках. Через это раскрываются художественное мастерство поэта, а также его ирфанско-религиозные взгляды.

Исследование научно рассматривает искусство цитирования и его суфийско-ирфанское содержание в диване Азимходжи Эшона «Мурод-ул-ошиқин».

В его стихах содержание коранических аятов и хадисов искусно внедрено в поэтический текст, что обеспечивает духовную возвышенность в жанрах наът, газель и мусаддас.

Искусство цитирования в творчестве поэта проявляется не только как художественное украшение, но и как

важное поэтическое средство передачи читателю духовного и ирфанского содержания.

Кириш. Мумтоз адабиётшуносликда назмий асарларда Қуръон оятлари ва Пайғамбар ҳадисларидан унумли фойдаланиш алоҳида бадий-эстетик ҳодиса сифатида баҳоланиб, у иқтибос санъати номи билан илмий муомалага киритилган. Иқтибос санъати ислом маданияти ва адабиёти шаклланишида муҳим ўрин тутиб, ижодкорнинг диний-маърифий билими, бадий тафаккури ва калом маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири ҳисобланади (Davlatov, 2017, p. 6)

Замонавий адабиётшуносликда иқтибос санъати одатда Қуръон ёки ҳадисдан олинган каломни шеър таркибида тўғридан-тўғри келтириш ёки унинг мазмунини бадий шаклда ифодалаш усули сифатида таърифланади. Шунингдек, иқтибос санъати асрлар давомида Шарқ адабиётида кенг қўлланиб келган ва бадий фикрни илоҳий манбалар билан уйғунлаштириш, маънавий таъсир кучини ошириш ҳамда ўқувчини диний-ахлоқий камолотга ундаш мақсадида хизмат қилган.

Иқтибос санъати араб тилидаги قيس сўзидан келиб чиққан бўлиб, луғавий маъноси “нур олиш, каломдан парча олиш, илм ўзлаштириш”ни англатади. Истилоҳий маънода эса иқтибос — Қуръон ёки ҳадисдан олинган каломни аниқ ёки мазмунан шеър таркибига сингдириб, манбага очиқ ишора қилмасдан қўллаш усулидир. Бу восита орқали ижодкор фикрни диний манбалар орқали асослаш ва шеърини матнни маънавий-эстетик қиймат билан бойитиш имкониятига эга бўлади (Hojiamedov, 1999, p. 29).

Адабиётшунос олимлар иқтибос санъатини нафақат услубий безак, балки чуқур фалсафий ва маънавий таъсир кучига эга бадий восита сифатида баҳолашади. Шу нуқтаи назардан, Азимийнинг шеърларида иқтибос санъати нафақат бадий усул, балки тасаввуфий-ирфоний ғояларни ёрқин ифода этиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Унинг “Мурод-ул-ошиқин” девонида Қуръон оятлари ва ҳадисларга таянган иқтибос санъати ҳамда унинг маънавий-фалсафий мазмуни илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Адабиётшунос олим О.Жўрабоев бу санъат ҳақида: “Маънавий санъатлар сирасига кирувчи “иқтибос” санъати иштирок этган асарларда, ўзига хос жилвакорлик билан бирга фалсафий мушоҳада ҳам чуқур акс этган бўлади. Иқтибосни қўллаш билиш юксак савия ва маҳоратни талаб қиладиган ижод услубидир”, - дейди. Шунингдек, Атоуллоҳ Хусайнийнинг куйидаги фикрларини келтиради: “Иқтибос” машҳур қавлга кўра Қуръон ёки ҳадисдин бир ниманининг олинганига ишора бўлмаган тарзда каломга киритмакчин ибораттур” (Jo‘raboev, 2007, p. 13)

Адабиётлар таҳлили ва методология. Мавжуд тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Азимийнинг “Мурод-ул-ошиқин” девонидаги иқтибос санъати, айниқса, унинг тасаввуфий-ирфоний мазмуни алоҳида ва комплекс тарзда махсус ўрганилмаган. Хусусан, девондаги Қуръон оятлари ва ҳадисларга ишора қилувчи иқтибосларнинг манбалари, бадий функцияси ва маъно қатламлари тизимли равишда таҳлил қилинмаган.

Азимийнинг “Мурод-ул-ошиқин” девонидаги иқтибосларни ўрганишда девоннинг Республикамиз фондларида сақланаётган 12 та қўлёзма нусхалари тадқиқ этилди. Манбашунослик усули асосида девон таркибидаги шеърлар ўрганилиб, улардаги иқтибосларнинг келиб чиқиш манбалари – Қуръон оятлари ва ҳадислар билан боғлиқлиги аниқланди ҳамда уларнинг қўлланиш хусусиятлари тизимлаштирилди.

Тадқиқотда қиёсий-матний, тавсифий ва семантик таҳлил усулларидан фойдаланилиб, иқтибосларнинг шеърӣ матндаги бадий функцияси, рамзий ва ирфоний мазмуни таҳлил қилинди.

Натижалар. Шеърларига маънавий нур ва илоҳий зиё бағишлаган ижодкорлардан бири XVIII аср охири - XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон адабий муҳитида яшаб, самарали ижод қилган сўфӣ шоир Азимийдир. Бузрукхўжа ўғли Азимхожа эшон (адабий тахаллуси – Азимий) тасаввуф илмини чуқур ўзлаштирган, шариат ва тариқат таълимотларини уйғун ҳолда бадий тафаккурга сингдира олган ижодкор сифатида танилади. Унинг шеърларида исломий ақидалар, ахлоқий камолот, нафс тарбияси ва илоҳий муҳаббат ғоялари марказий ўринни эгаллайди.

Азимий ўз ижодида, аввало, шариат аҳкомларининг асосини ташкил этувчи иймон келтириш, намоз (салот), ҳаж каби фарз амалларни адо этишнинг вожиблигини, шу билан бирга, манъ этилган ишлардан тийилиш, яхши хулқ соҳиби бўлиш, суннат амалларига қатъӣ риоя қилиш ғояларини тарғиб қилади. Тариқат босқичида эса тавба қилиш, пир ва муршид кўрсатмаларига амал қилиш, Қуръон суралари ва дуолар ўқиш орқали ибодатни мукаммаллаштириш, тажрид ва тафрид, яъни хилват ва ёлғизланиш орқали қалб поклигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Маърифат мақомида дарвешлик йўлини қабул қилиш, ҳалолликка интилмоқ, илму маърифатни эгаллаш, яхшини ёмондан фарқлай билиш, беозорлик ва фақирлик йўлини тутиш, сир-асрорни пинҳон сақлаш каби сўфӣлик тамойиллари тарғиб қилинади. Ҳақиқат мақомида эса шариат, тариқат ва маърифат босқичларини мукаммал ўзлаштириш орқали Аллоҳнинг ваҳдатига етиш ғояси илгари сурилади.

Шоирнинг 4000 мисрадан ортиқ шеърлари жамланган “Мурод-ул-ошиқин” номли девони мавжуд бўлиб, унда ҳикмат, мусаддас, ғазал, наът, муножот, муҳаммас, мураббаъ, мустаҳзод каби турли жанрларга мансуб шеърлари жамланган. Девонда тасаввуфӣ-

ирфоний руҳда ёзилган ғазаллар билан бир қаторда, Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунига асосланган иқтибос санъати намуналари кенг ўрин олган. Бу ҳолат шоирнинг диний манбаларни чуқур билиши ва уларни бадиий ифода воситаси сифатида маҳорат билан қўллай олганидан далолат беради.

Азимхожа эшон девонида Қуръондан олинган иқтибосларнинг қўлланишини ёрқин намуналар орқали кузатиш мумкин. Жумладан, Расулulloҳ (с.а.в)га бағишланган наътнинг иккинчи бандида қуйидаги мисралар келтирилади:

حق كلامي ده او قودی رحمتٌ للعالمين
 حامي روز قيامت حادي دنياو دين
 ذرّ درياي نبوت شمع جمه مرسلين
 حادم دركاهينك ايردي خضرت روح الامين
 الصلوة و اسلام اي خواجه ايكي سرا
 (Azimhoja Eshon, No. 189, p.7b)

Қуръони каримнинг “Анбийё” сураси 107-оятига ишора қилади (Mansur, 2007, p. 287): وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ (۱۰۷):

Мазкур оятда Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) бутун оламлар учун раҳмат қилиб юборилгани таъкидланади. “Раҳмат” сўзининг маъно доираси жуда кенг бўлиб, у нафақат мўминларга, балки бутун инсониятга, ҳатто куфр ва ширк аҳлига нисбатан ҳам зулмни раво кўрмаслик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва эзгулик манбаи эканини англатади. Азимий мазкур оят мазмунини наът таркибига сингдириш орқали Пайғамбарнинг юксак ахлоқий фазилатларини бадиий жиҳатдан улуғлайди.

Наътнинг учинчи бандида эса қуйидаги мисралар келтирилади:

كوزلارينك نعتيده كيلدى نصّ مازاغ البصر
 مؤجزه بيردى دليل ايت شق القمر
 ساجد اولدى خدمتینگه به قدم كيليب شجر
 عرض ايتاردى حضرتينكا باش قويوبان كان زر
 الصلوة و اسلام اي خواجه ايكي سرا
 (Azimhoja Eshon, No. 189, p.7b)

Қуйидаги банддаги “مازاغ البصر” ибораси Қуръоннинг “Нажм” сураси 17-оятига ишора қилади (Mansur, 2007, p. 499): مَا زَاغَ الْبَصَرُ وَمَا طَغَى (۱۷):

Бу оятда Пайғамбар (с.а.в.)нинг меърож воқеаси давомида кўзи четга оғмагани ва ҳаддидан ошмагани таъкидланиб, унинг руҳий ва маънавий комиллиги ифода этилган. Шунингдек, “شق القمر” ибораси “Қамар” сурасида зикр этилган ойнинг иккига ёрилиши мўъжизасига далолат қилади. Азимий ушбу оятлар мазмунини шеър таркибига маҳорати

билан жойлаштириб, иктибос санъатининг мумтоз намунасини яратади ҳамда Пайғамбар мўъжизаларини ирфоний-эстетик руҳда талқин этади.

Шу тариқа, Азимий ижодида Қуръон оятларига таянган иктибос санъати нафақат бадий безак, балки чуқур маънавий-фалсафий мазмунни ифодаловчи муҳим поэтик восита сифатида намоён бўлади.

Азимий наът ва бошқа лирик асарларида Қуръон оятларига ишора қилувчи иктибос санъатидан тизимли ва мақсадли фойдаланган. Айниқса, Расулulloҳ (с.а.в)га бағишланган наътларида “раҳматан лил-оламин”, “мазоғ ал-басар”, “шаққ ул-қамар”, “қоба қавсайн” каби иборалар орқали Қуръон оятларига ишора қилади.

Бу иктибослар орқали Пайғамбарнинг юксак ахлоқий мақоми, мўъжизалари ва умматга бўлган илоҳий марҳамат ғояси бадий тарзда ифода этилган. Шу билан бирга, шоир мусаддас ва ҳикматларида “каррамна бани одам”, “нахну ақраб”, “малак ул-мавт”, “асҳоби қаҳф” каби оятларга ишора қилувчи иборалардан фойдаланиб, инсоннинг илоҳий қадри, Аллоҳга яқинлик, ўлим ва охират ҳақиқатларини ёритади.

“Қамар” сураси оятларига далолат:

Маълумки, Қуръони каримнинг “Қамар” сураси оининг иккига бўлиниши мўъжизасига бағишланган бўлиб, суранинг номи ҳам айнан шу воқеа билан боғлиқ. Суранинг илк оятида:

اَفْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَانْشَقَّ الْقَمَرُ

“Қиёмат яқинлашди. (Мана, илоҳий мўъжиза сифатида) ой ҳам бўлинди” (Mansur, 2007, p. 502) - деб марҳамат қилинади. Азимий ушбу мўъжизани наът бандларида ишоравий тарзда келтириб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг илоҳий қудрат билан қўллаб-қувватланган мақомини улуғлайди. Шоир мазкур бандда икки олам сарвари бўлмиш Пайғамбарнинг ҳаёт йўлида намоён бўлган мўъжизалар орқали унга бўлган чексиз муҳаббат, эҳтиром ва ихлос туйғуларини бадий ифода этади. Бу ерда иктибос санъати Пайғамбар мўъжизаларини эслатувчи бадий ишора сифатида хизмат қилмоқда.

“Қоба қавсайн” оятига ишора:

Наътнинг олтинчи бандида келтирилган қуйидаги мисралар ҳам муҳим ирфоний мазмунга эга:

کرچه اطفین عالم ایچره برچه کا عام ایلادی

کیمکا سندیک حق تعالیٰ حرمت انعام ایلادی

کمنی سندیک صنف محصوص بایکرام ایلادی

قاب قوسین یتکوروب روحنی آرام ایلادی

الصّلواة وسّلام ای خواجه ایکی سرا

(Azimxoja Eshon, No. 189, p. 8b)

Ушбу банддаги “فوسين قاب” ибораси Қуръоннинг “Нажм” сураси 9-оятига ишора қилади (Mansur, 2007, p. 498): (٩) فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَىٰ

Тафсир манбаларида ушбу оят Меърож воқеаси чоғида Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом билан Жаброил алайҳиссалом ўртасидаги алаҳида руҳий яқинликни ифода этиши қайд этилади. Яъни, Жаброил фаришта ваҳий етказиш жараёнида Пайғамбарга “икки камон миқдорида, балки ундан ҳам яқинроқ” масофада бўлган.

Шоир мисрада қўлланган “қавс” сўзининг камоннинг ип тортилган икки учи маъносини англатишидан фойдаланиб, “қоба қавсайн” бирикмасини бадий-мажозий тарзда талқин қилади. Азимий бу образ орқали Пайғамбар ва Жаброил алайҳиссалом ўртасидаги руҳий яқинликни, илоҳий ваҳий жараёнида руҳнинг таскин топишини ифода этади. Шу билан бирга, бу ерда камоннинг икки учи рамзи орқали ислом таълимотини инсониятга етказган икки улуғ зот – Муҳаммад (с.а.в.) ва Жаброил (а.с.) назарда тутилган бўлиши эҳтимоли ҳам мавжуд. Бу эса иқтибос санъатининг рамзий-маъновий қатламларини янада бойитади.

“Хайр ул-уммам” оятига ишора:

Наътнинг еттинчи бандида қўлланган “خيرُ الأمم” (Azimxoja Eshon, No. 189, p.8b) ибораси Қуръоннинг “Оли Имрон” сураси 110-оятига ишора қилади (Mansur, 2007, p. 50):

كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ

Мазкур оятда мусулмон уммати инсоният орасида энг яхши уммат сифатида таърифланиб, уларнинг асосий вазифалари – амри маъруф ва наҳйи мункар қилиш ҳамда Аллоҳга иймон келтириш экани таъкидланади. Азимий ушбу оят мазмунини наът бандларига жойлаштириш орқали мусулмон умматининг улуғ мақомини, ўзининг ҳам шу умматга мансублигини ифтихор билан ифода этади. Шунингдек, икки олам сарвари бўлган Пайғамбарга саловат айтишни ҳар бир мўмин учун маънавий бурч сифатида кўрсатади.

Яна Азимийнинг мусаддас жанрида ёзилган шеърининг биринчи бандида учрайдиган “كْرَمْنَا” сўзи Қуръоннинг “Исро” сураси 70-оятига ишора қилади (Mansur, 2007, p. 243):

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ ... (٧٠)

Ушбу оятда инсон зотининг Аллоҳ томонидан мукаррам қилингани, унга бошқа мавжудотларга нисбатан устун мақом берилгани баён қилинади. Азимий мазкур оят мазмунини бадий шаклда ифода этиб, инсонни илоҳий омонат соҳиби, масъулиятли ва шарафли мавжудот сифатида талқин қилади. Шоир инсоннинг шарафини фақат моддий

устунлик эмас, балки унга берилган иймон, ақл ва ибодат масъулияти билан боғлайди. Бу эса Азимий ижодида иқтибос санъатининг фақат наътлардагина эмас, балки умумий инсонпарвар ва тасаввуфий қарашларни ифода этишда ҳам фаол қўлланганини кўрсатади.

Азимий шеърларида Аллоҳнинг яқинлиги, инсоннинг муқаррамлиги, пайғамбарий мақом, ўлим ва охират ҳақиқати каби мавзулар Қуръон оятларига ишоралар орқали очилади. Айниқса, “нахну ақраб” мазмунини англатувчи иқтибослар инсоннинг Аллоҳ хузурида эканини доимо ҳис этиш, ғофил бўлмаслик ғоясини илгари суради. “Асҳоби Қаҳф” қиссасига ишора эса иймонда собитқадамлик ва дунёвий манфаатлардан воз кечиш ғоясини кучайтиради.

Шу жиҳатдан, Азимий ижодида иқтибос санъати нафақат эстетик, балки ирфоний-фалсафий ва ахлоқий тарбия воситаси сифатида ҳам аҳамият касб этади.

Азимийнинг яна бир ғазалида қўлланган “نحن أقرب” ибораси Қуръони каримнинг икки оятига – “Қоф” сураси 16-ояти ҳамда “Воқеа” сураси 85-оятига ишора қилади. Шоир қуйидаги мисрада мазкур иқтибосни бадиий шаклда қўллайди:

اول بنده مقرب هر چندکه آچمه لب
اسرار نحن اقرب انكا عيان ايمسؤ
(Azimhoja Eshon, No. 189, p. 101a)

“Қоф” сураси 16-оятида Аллоҳ таоло инсонни яратгани, унинг қалбидаги васваса ва ниҳон фикрларни ҳам билиши ҳамда инсонга бўйин томиридан ҳам яқин экани баён этилади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَتَعَلَّمَ مَا تُوسَّوَسُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ (١٦)

“Инсонни (Биз) яратганмиз, (демак) унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз” (Mansur, 2007, p. 487).

Шунингдек, “Воқеа” сураси 85-оятида ҳам илоҳий яқинлик ғояси янада кучайтирилган тарзда таъкидланади. “Воқеа” сураси Қиёмат кунининг номларидан бири бўлиб, унда қиёмат вақтида рўй берадиган мудҳиш ҳодисалар, инсонларнинг гуруҳларга ажралиши, мўмин бандалар учун тайёрланган жаннат неъматлари ва кофирлар учун мўлжалланган дўзах азоблари батафсил баён этилади. Шу жиҳатдан, мазкур сурага ишора қилиш орқали шоир инсонни охират ҳақида чуқур тафаккурга чорлайди.

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلَكِنْ لَا تُبْصِرُونَ

“Биз унга сизлардан кўра яқинроқдирмиз, лекин сизлар (буни) кўрмассиз” (Mansur, 2007, p. 516).

Бу оятлар инсон билан Аллоҳ ўртасидаги маънавий яқинликни, илоҳий назорат ва хузур ҳиссини англатади. Азимий мазкур оятлар мазмунини шеърий матнга сингдириб, инсоннинг Аллоҳдан ғофил бўлмаслиги, Унинг хузурида эканини доимо ҳис этиб яшаши лозимлиги ҳақидаги тасаввуфий ғояни илгари суради. Бу ерда иқтибос санъати руҳий мушоҳада ва ихлосни уйғотувчи бадиий восита сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, ҳикматда келтирилган “ملك الموت” ибораси Қуръони каримнинг “Сажда” сураси 11-оятига ишора қилади (Mansur, 2007, p. 372):

قُلْ يَتَوَفَّاكُمْ مَلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ
(Azimxhoja Eshon, No. 189, p. 109a)

Айтинг: “Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Раббингиз хузурига қайтарилурсиз”.

Бу оятда инсон жонини олувчи фаришта – Азроил алайҳиссалом ҳақида сўз юритилиб, ҳар бир инсон ўлимни татиб кўриши ва охир-оқибат Аллоҳ хузурига қайтиши таъкидланади. Азимий мазкур иқтибос орқали ҳикматий услубда дўстларга насиҳат қилади: инсон дунё ишларига маҳлиё бўлиб қолмаслиги, ўлим ҳар лаҳза келиши мумкинлигини унутмаслиги, Аллоҳ хузурида шарманда бўлмаслик учун такво ва тоатда мудом бўлиши зарур. Бу ерда иқтибос санъати ахлоқий-дидактик вазифани бажаради.

Яна бир ғазалда учрайдиган “أصحاب كهف” (Azimxhoja Eshon, No. 189, p. 113b) ибораси Қуръони каримдаги “Каҳф” сураси 9-оятига ишора қилади (Mansur, 2007, p. 248):

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنَّ أَصْحَابَ الْكَهْفِ وَالرَّقِيمِ كَانُوا مِنْ آيَاتِنَا عَجَبًا

Балки, “Каҳф” (ғор) ва “Рақим” (битик) эгаларини бизнинг мўжизаларимизнинг энг ажойибидан, деб ҳисоблагандирсиз?

“Асҳоби Каҳф” қиссаси бутпараст жамиятдан юз ўгириб, иймон ва эътиқодни сақлаш учун ватанини тарк этган бир гуруҳ ёш йигитлар ҳақида ҳикоя қилади. Улар Аллоҳнинг розилигини истаб, бир итлари билан тоғдаги ғорда паноҳ топган ва илоҳий ҳимоя остида қолганлар. Улар тарихда “Асҳоби Каҳф” (“Ғор кишилари”) ёки “Асҳоби рақим” (“Битик эгалари”) деган номлар билан машҳур бўлганлар. Азимий мазкур қиссага ишора қилиш орқали сабр, ихлос, иймонда собитқадамлик ва дунёвий манфаатлардан воз кечиш ғояларини илгари суради. Бу ҳолат шоир ижодида иқтибос санъатининг тарихий-қиссавий ва ибратли рольини яққол кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқот Азимий ижодида иқтибос санъатининг ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилди ҳамда шоирнинг Қуръон оятларига ишоравий тарзда мурожаат қилиши бадиий маҳоратининг муҳим кўрсаткичи экани исботланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Азимий Қуръон оятларини тўғридан-тўғри иқтибос келтиришдан кўра, уларнинг калит сўз, рамз ва маъно қатламларини наът, ғазал, мусаддас ва ҳикматлар таркибига маҳорат билан сингдирган. “Раҳматан лил-оламин”, “шаққ ул-камар”, “қоба қавсайн”, “хайр ул-уммам”, “каррамно”, “нахну ақраб”, “малак ул-мавт”, “асҳоби қаҳф” каби оятларга ишора қилувчи иборалар орқали шоир Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг юксак мақоми, инсоннинг илохий қадри, ўлим ва охират ҳақиқати, иймон ва тақво ғояларини ирфоний-фалсафий руҳда ифода этган. Шу жиҳатдан, Азимий ижодида иқтибос санъати нафақат бадий безак, балки Қуръон маъноларини шеърий тафаккур орқали талқин этувчи, ўқувчини маънавий камолотга чорловчи муҳим поэтик восита сифатида намоён бўлади. Бу эса уни мумтоз ўзбек адабиётида иқтибос санъатини ирфоний-эстетик даражада ривожлантирган ижодкорлар қаторида баҳолашга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Azimxoja Eshon. (n.d.). Murod ul-oshiqin. Murod ul-oshiqin (Manuscript No. 189). Alisher Navoi State Literature Museum of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. (In Persian and in Uzbek).
2. Davlatov, O. (2017). Artistic interpretation of Qur’anic verses and hadiths in the poetry of Alisher Navoi. Alisher Navoiy she’riyatida Qur’on oyatlari va hadislarning badiiy talqini (PhD dissertation abstract). – Samarkand. (in Uzbek)
3. Hojiahmedov, A. (1999). Poetic arts and classical rhyme. She’r san’atlari va mumtoz qofiya. – Tashkent: O’qituvchi. – 96 p. (in Uzbek)
4. Jo’raboev, O. (2007). Khaziniy Tura. Haziniy To’ra. – Tashkent: Fan. – 135 p. (in Uzbek)
5. Mansur, A. (2007). The Holy Qur’an: Translation and interpretation of meanings. Qur’oni karim: ma’nolarining tarjima va tafsiri. – Tashkent: Tashkent Islamic University. – 628 p. (in Arabic and in Uzbek)